

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки(марказий аппарат, ҳудудий
бош бошқармалар ва тасарруфдаги корхоналар)да 2025 йил давомида
коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши ҳақида**

УМУМИЙ ҲИСОБОТ

**I. Коррупцияга қарши курашишга оид чора-тадбирлар дастурлари
ижроси тўғрисида умумий маълумот.**

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 апрелдаги ПҚ-147-сон “Давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Марказий банк бошқарувининг 2025 йил 15 майдаги 11/3-сонли қарорига асосан Марказий банк марказий аппаратида алоҳида Комплаенс-назорат хизмати ҳамда Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармалари ва тасарруфдаги корхоналари штат бирликларидан келиб чиқиб қарорда белгиланган минимал мезонлар асосида Коррупцияга қарши курашиш бўйича ички назорат бўлинмалари ташкил этилди.

Шунингдек, Марказий банк бошқарувининг 2025 йил 15 майдаги 11/3-сонли қарори билан “Комплаенс-назорат хизмати тўғрисида”ги Низоми тасдиқланиб унда Коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари ўз фаолиятида бевосита Марказий банк раисига бўйсунishi белгилаб қўйилди.

1.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.04.2025 йилдаги “Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича белгиланган устувор вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-71-сонли Фармонида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 5 июнь санасида 32-03/822-сонли хат билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритилган.

Шунингдек, 2025 йилнинг 26 сентябрь санасида 32-09/1378-сонли хат билан Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигига таклифлар лойиҳаси юборилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ташаббуси oila.kredit.uz платформасида имтиёзли кредит учун берилган ариза ҳолатини текшириш, натижаси тўғрисида хабарнома олиш имкониятлари яратилиб, платформа орқали юборилган аризалар нафақат ҳоким ёрдамчиси балки, банк ходими томонидан мониторинг қилиниб, платформага маълумот киритилганидан сўнг кредит маблағлари ажратилиши жорий қилинди.

Шу каби, таижорат банкларининг бугунги кундаги кредитлари ва бошқа банк хизматлари тўғрисидаги маълумотларни ягона bank.kredit.uz платформаси орқали олиш ва танишиш имкониятлари яратилди.

1.3. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши ва унинг ҳудудий кенгашлари томонидан ўтказилган йиғилишларда Марказий банкка берилган топшириқлар ҳудудий бошқармалар кесимида назоратга олиниб, марказий аппарати, ҳудудий бош бошқармалари ва тасарруфдаги корхоналар томонидан **71 та** вазифалар бажарилиши таъминланган (*Батафсил маълумотлар 11А-иловада*).

1.4. Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашининг сайёр мажлисларида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, Банк тизимида коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш ва олдини олиш, уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш мақсадида Марказий банк ва Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ўртасида “Давлат улуши мавжуд тижорат банкларида коррупцияни олдини олиш бўйича ишлар самарадорлигини ошириш”га қаратилган Қўшма қарор (2025 йил 6 август 1/11-сонли) ва тижорат банкларида коррупцияни олдини олиш бўйича ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган “Йўл-харитаси” тасдиқланган. Мазкур ҳужжатларда белгиланган вазифалар натижасида давлат улуши мавжуд тижорат банклари билан биргаликда бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 апрелда ПҚ-147-сон қарори талабларини бажариш мақсадида Халқбанк, Ўзсаноатқурилишбанк, Микрокредитбанкларда алоҳида ички назорат тузилмалари ташкил этилди ҳамда уларни тўғридан-тўғри Банк кузатув кенгашига бўйсунуви ва ҳисобдорлиги белгиланди;

- банкларнинг коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари ходимлари фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган (KPI) ойлик иш ҳақларини тўлаш ва рағбатлантириш тизими жорий қилинди;

- халқаро коррупцияга қарши курашиш менежмент тизими ISO 37001:2016 талабларига ички назорат тизимлари мувофиқлаштирилди;

- коррупция хавфи юқори бўлган жараёнлар, хизматлар, лавозимлар ва филиаллар кесимида маълумотларни умумлаштириш ҳамда таҳлил ўтказиш тизими жорий қилинди;

- барча янги жорий этиладиган банк хизматлари, маҳсулотлари ва технологияларининг ҳар бири юзасидан аввалдан хавф-хатар таҳлилини амалга ошириш ва тегишли хулоса тайёрлаш тизимини йўлга қўйилди;

- коррупция ҳақида хабар берган ходимлар учун махсус рағбатлантириш тизимини жорий қилиш, уларни таъқибдан ҳимоя қилиш ва махфийлик кафолатларини белгилаш бўйича ички меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий қилинди.

Шунингдек, Марказий банк томонидан Қўшма қарорда белгиланган вазифаларни ўз вақтида бажармаган ва масъулиятсизлик билан ёндашаётган банк мутасаддиларга нисбатан тегишли чоралар кўриш юзасидан банк Кузатув кенгашлари ва Бошқарувига тегишли кўрсатмалар берилган (*илова қилинади*).

II. Сиёсат ва тартиб-таомиллар.

Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг тавсияларига асосан ҳамда **ИСО 37001:2016** коррупцияга қарши курашиш халқаро стандарти талабларидан келиб чиқиб, Марказий банкда коррупцияга қарши курашиш борасидаги ишларни тартибга солувчи **13 та** ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тасдиқланган.

Марказий банк бошқарувининг тегишли қарорлари билан:

- Марказий банкнинг Коррупцияга қарши курашиш Сиёсати;
- Марказий банк тизимида манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва бошқариш тўғрисидаги Низом;
- Марказий банкда коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш тўғрисидаги Низом;
- Марказий банк тизимида ишга қабул қилинаётган номзодларни ўрганиш тўғрисидаги Йўриқнома;
- Марказий банк тизимида ходимларни этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил этиш тўғрисидаги Йўриқнома;
- Марказий банк тизимида контрагентларни ўрганишга оид Йўриқнома;
- Марказий банк тизимида алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар ҳамда манфаатлар тўқнашуви тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш Регламенти;
- Марказий банкда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш Услубиёти;
- Марказий банк тизимида коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш Услубиёти;
- Марказий банк ходимлари Одоб-ахлоқининг қоидалари ҳамда Одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги Низом;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тизимида ходимларнинг коррупциявий хатти-ҳаракатлари ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича Регламенти;
- Марказий банк тизимида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берган ходимларни рағбатлантириш ҳамда уларнинг тақиб қилинмаслиги кафолатлари тўғрисидаги Тартиб;
- Марказий банк тизимида ходимлар томонидан меҳнат фаолияти билан боғлиқ совға ва меҳмондўстлик белгиларини қабул қилиш, совға қиймати ва уни тасарруф этиш тартиби тўғрисида Низом тасдиқланди.

Шунингдек, Марказий банк томонидан амалга оширилаётган текшириш ва ўрганишлар жараёнларини янада тартибга солиш мақсадида, Бошқарувнинг 2025 йил 18 ноябрдаги 31/8-сонли қарори билан **“Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўтказиладиган текшириш ва ўрганишларда ходимларнинг мажбурий хизмат қоидалари”** тасдиқланиб, амалиётга жорий қилинган. Мазкур ҳужжат орқали текшириш ва ўрганишга жалб этилган ходимларга **манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик, совға ва меҳмондўстлик белгиларини қабул қилмаслик** юзасидан мажбуриятлар юклатилган. Бунда ҳар бир текшириш ва ўрганиш жараёнига жалб этилган ходимлар ушбу **Қоидаларда** белгиланган мажбуриятлар билан танишган ҳолда жалб қилиниши таъминланган. Шу билан бирга, текшириш ва ўрганиш ташаббускори бўлган таркбий тузилмалар томонидан манфаатлар тўқнашувини олдини олиш мақсадида, ички ҳужжатларни келишиш тартиби жорий қилинган.

III. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги “Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги **ПҚ-240-сонли** қарори ижросини таъминлаш мақсадида Марказий банкда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш Услубиётига мувофиқ Марказий банкка юкланган барча **52 та функциялар бўйича коррупциявий хавф-хатарлар** баҳоланди.

Баҳолаш натижаларига кўра Марказий банкка қонунчилик ҳужжатлари билан юклатилган вазифалар ва фаолиятни амалга оширишга доир қўшимча функциялардан (*харидларни амалга ошириш, ишга қабул қилиш, назоратга доир функциялари*) **16 таси** бўйича хавф-хатар даражаси “**ўрта**” даражада ва қолган функциялари бўйича “**паст**” даражада баҳоланган. Хусусан “**ўрта**” даражада баҳоланган функциялар бўйича хавф-хатарларни камайтириш юзасидан тегишли чоралар белгиланган.

Бунда, Марказий банк фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни умуман олганда “паст” даражада баҳоланиши Марказий банк томонидан аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига бевосита банк-молия хизматлари кўрсатилмаслиги ҳамда харидларни амалга ошириш, ишга қабул қилиш ва Марказий банкнинг назоратга доир функцияларини амалга ошириш бўйича қарорларнинг коллегиял тартибда қабул қилиниши, фаолиятнинг тўлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинганлиги ва иш жараёнларини автоматлаштириш чоралари кўрилганлиги билан изоҳланади.

Баҳолаш натижалари асосида шакллантирилган Марказий банкнинг Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси ҳамда хавф-хатарларни камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури ва тегишли маълумотлар “**E-anticor.uz**” электрон платформасига жойлаштирилган.

Мазкур йўналишда Марказий банкнинг марказий аппарати, ҳудудий бош бошқармалари ва тасарруфдаги корхоналари бир қатор ишлар амалга оширилиши таъминланган. Жумладан:

- коррупциявий хавф-хатари “ўрта” баҳоланган барча функцияларда фаолият юритувчи барча ходимлар Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш виртуал академиясининг “Коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш” бўйича махсус курсларида ўқитилди;

- тижорат банклари томонидан юридик ва жисмоний шахслар учун амалга оширилган валюта олди-сотди операциялари тўғрисидаги маълумотлар ҳисобини юритишга мўлжалланган “Валюта операциялари ҳисобини юритиш” (**ФЕРУЗ**) ахборот тизими;

- тижорат банклари бўлинмалари ўртасида нақд пуллар ва вакиллик ҳисобварағининг алмашинувини тезлаштириш, шаффоф электрон бозори тизимини яратиш, банкларнинг тенг ҳуқуқлар ва шартлар асосида иштирокини таъминлаш имкониятини берувчи “Нақд пулларнинг электрон майдони” ахборот тизими;

- Лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш тўғрисидаги аризаларни, фаолиятни бошлаганлик ва тугатганлик ҳақидаги хабарномаларни қабул қилиш ҳамда уларни кўриб чиқиш натижаси бўйича тегишли ҳужжатларни бериш жараёнлари бўйича рақамлаштирилган махсус электрон платформа;

- тадбиркорлик субъектларига факторинг хизматларидан фойдаланиш учун пул талабномалари тўғрисидаги маълумот ва ҳужжатларни мустақил равишда онлайн режимда кузатиб туриш ҳамда автоматик текшириш бўйича “Factoring” электрон платформаси каби рақамлаштирилган модуллар орқали ушбу функцияларда инсон омили иштироки камайтирилмоқда.

Шу билан бирга, Жаҳон банки экспертлари билан биргаликда Марказий банкда банк назорати жараёнларини тўлиқ рақамлаштириш юзасидан SupTech тизимини жорий қилиш бўйича лойиҳа амалга оширилмоқда.

IV. Коррупцияга қарши курашиш борасида амалга ошириладиган тартиб-таомиллар.

4.1. Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш.

Марказий банк тизимида манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва бошқариш тўғрисида Низом талабларига асосан Марказий банкнинг марказий аппарати, ҳудудий бош бошқармалари ва тасарруфидаги корхоналарда меҳнат қилаётган барча ходимларнинг **2025 йил учун** манфаатлар тўқнашуви бўйича **йиллик декларациялари** тақдим қилинган.

Марказий банк тизими бўйича умумлаштирилган **“Манфаатлар тўқнашуви реестри”** шакллантирилди ҳамда тегишли маълумотлар **“E-anticor.uz”** электрон платформасига жойлаштирилди.

Марказий банкнинг 2024 йил 11 июндаги 10-сонли буйруғи билан “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 июндаги ПҚ–210-сон “Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонуни ижросини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси тасдиқланди ҳамда ижроси таъминланган. Амалга оширилган ишлар юзасидан маълумотлар ҳар чорак якуни бўйича Коррупцияга қарши курашиш агентлигига тақдим этилган.

Шунингдек, Марказий банк тизимида бўш иш ўринларга номзодларни лавозимга тайинлаш ҳамда лавозимини ўзгартириш (ротация) жараёнида номзодларнинг манфаатлар тўқнашуви мавжуд/мавжуд эмаслиги тўғрисидаги декларациялари таҳлил қилиниб, **тегишли хулосалар берилган.**

Манфаатлар тўқнашувини олдини ва уларни бошқариш борасида Марказий банк тизимида фаолият юритаётган **2 152 нафар** бошқарув ходимларидан манфаатлар тўқнашуви бўйича йиллик декларациялар олинди, **2 та** “мавжуд” манфаатлар тўқнашуви ҳолати бартараф этилган ва **303 та** “эҳтимолий” манфаатлар тўқнашувини бошқариш чоралари белгиланган.

4.2. Коррупцияга қарши қоидаларни ташкилот шартномаларига киритиш.

Марказий банк тизимида харидларни амалга оширишда тузиладиган хўжалик шартномаларига Ўзбекистон Республикасининг **“Давлат харидлари тўғрисида”**ги Қонунининг **46-моддасига** асосан харидларни амалга оширишда коррупцияга йўл қўймаслик принципларидан келиб чиқиб, коррупцияга ва қонунчиликнинг бошқача тарзда бузилишларига йўл қўймаслик ҳамда манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича шартлар киритилган.

Марказий банк тизимига ишга қабул қилинадиган ходимлар билан тузиладиган меҳнат шартномаларида лавозим мажбуриятларини суистеъмол қилмаслик, Марказий банкнинг ички меъёрий ҳужжатлари, шу жумладан коррупцияга қарши курашиш қоидаларига риоя қилиш ҳамда бирор бир шахслар ёки ходимлар томонидан содир этилган коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг ўзларига маълум бўлган ҳолатлари ҳақида ўз раҳбарини ва Марказий банкнинг коррупцияга қарши курашишга масъул бўлган таркибий бўлинмасини зудлик билан хабардор қилишга оид мажбуриятлар белгиланган.

4.3. Контрагентларни текшириш.

Марказий банк тизимида контрагентларни ўрганишга оид Йўриқнома талаблари асосида харидларни тендер, танлов ва тўғридан-тўғри амалга оширишда **иштирокчиларда аффилланганлик, манфаатлар тўқнашуви ва бошқа коррупциявий хатарларини олдини олишга қаратилган 1 408 та** (марказий аппарат – 312 та, ҳудудий бош бошқармалар – 189 та, тасарруфдаги корхонларда – 907 та) контрагентлар бўйича ўрганишлар ўтказилиб тегишли хулосалар берилди.

Ўрганишлар давомида, **3 та** контрагентларда ўзаро аффилланганлик ҳолатлари аниқланиб салбий хулосалар тақдим қилинган ва харид жараёнлари бекор қилинган.

Ўрганиш натижалари бўйича шакллантирилган контрагентларни ўрганиш реестри **“E-anticor.uz”** электрон платформасига жойлаштирилган.

4.4. Ишга қабул қилинаётган номзодларни ўрганиш.

Марказий банкка ишга қабул қилинаётган номзодларни ўрганиш тўғрисида Йўриқнома талабларига асосан **589 нафар** (марказий аппарат – 170 нафар, ҳудудий бош бошқармалар – 57 нафар, тасарруфдаги корхонларда – 362 нафар) номзодлар ўрганилган. Мазкур ўрганишлар жараёнида номзодлар ҳамда юқори лавозимга тайинланаётган ходимларнинг манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари, аввалги иш жойидаги хулқ-атвори ҳамда коррупциявий хатти-ҳаракатларни содир этиш билан боғлиқ маълумотларга эътибор қаратилган.

Ўрганиш натижалари бўйича шакллантирилган номзодларни ўрганиш реестри **“E-anticor.uz”** электрон платформасига жойлаштирилди.

V. Ходимларни ўқитиш ва коммуникация тадбирлари.

5.1. Ходимларнинг ҳуқуқий онгини ошириш юзасидан ўқитиш тадбирлари.

Марказий банк тизими ходимларининг этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил этиш бўйича **2025 йилга мўлжалланган ўқув-семинар дастури тасдиқланган.**

Мазкур дастур доирасида Марказий банк тизими барча ходимлари учун жами **206 маротаба** (Марказий аппаратда - 31 та, ҳудудий бош бошқармаларда – 119 та, тасарруфдаги корхоналарда - 56 та) давра суҳбати, маъруза ва семинарлар ташкил этилган.

Марказий банк тизимида жами **589 нафар** (марказий аппаратда 170 нафар, ҳудудий бошқармаларда 57 нафар, тасарруфдаги корхоналарда 362 нафар) ходимлар янги ишга қабул қилинган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори 21.06.2024 йилдаги “Аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини узлуксиз ошириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-228-сонли қарори асосида Марказий банк тизимида янги ишга қабул қилинган ходимларни Коррупцияга қарши курашиш виртуал академиясининг базавий ва махсус курсларида ўқитиш йўлга қўйилган. Марказий банк тизимида янги ишга қабул қилинган ходимлар дастлаб Виртуал академиянинг базавий ўқув курсларида ўқитилган бўлиб (базавий курсларда сертификатлар бериш амалиёти мавжуд эмас), кейинчалик Виртуал академиянинг махсус курсларининг “Давлат хизматида коррупцияга қарши курашиш” мавзусида ўқитилган ва сертификатлар олинган.

Бундан ташқари, Марказий банк тизимида **LMC махсус онлайн ўқув платформаси** ишга туширилган бўлиб, ҳар бир янги ишга қабул қилинган ходимлар ушбу **платформа орқали ҳам ўқитилиши таъминланган** (Платформа ишлаш тартиби ва курслар бўйича маълумот илова қилинади).

Шунингдек, юқоридаги Қарор ижросини таъминлаш мақсадида бугунги кунда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси билан ҳамкорликда “Коррупцияга қарши курашиш виртуал академияси”да Марказий банкнинг **2 125 нафар** ходимлари “Давлат хизматида ҳалолликни таъминлаш”, “Давлат хизматида коррупцияга қарши курашиш” ва “Коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш” бўйича махсус курсларида ўқитилди.

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ҳамкорлигида ишлаб чиқилган Коррупцияга қарши курашиш менежмент тизимини самарали ишлашини таъминлаш мавзусидаги **36 соатлик махсус чуқурлаштирилган ўқув курсида** Марказий банк тизимининг комплаенс-назорат хизмати ходимлари ўқитилди ва тегишли сертификатлар олинди.

VI. Коррупциявий хатти-ҳаракатлар ва ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар бериш тизими.

Марказий банк бошқарувининг 2022 йил 24 сентябрдаги 21/8-сонли қарори билан “Марказий банк тизимида алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар ҳамда манфаатлар тўқнашуви тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш Регламенти” тасдиқланган.

Шунингдек, Марказий банк тизими ходимларининг коррупциявий хатти-ҳаракатлари ҳақида хабар беришга мўлжалланган **4 та алоқа каналлари** (*расмий веб-сайт, электрон почта, телеграмм бот, ишонч телефони*) ишга туширилган.

Марказий банк тизими ходимларининг коррупциявий хатти-ҳаракатлари ҳақида келиб тушган мурожаатлар “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонун ҳамда Марказий банкнинг Коррупцияга қарши курашишга оид ички идоравий ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Шу билан бирга, Марказий банк бошқарувининг 2023 йил 25 мартдаги 8/13-сонли қарори билан “**Марказий банк тизимида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берган ходимларни рағбатлантириш ҳамда уларнинг таъқиб қилинмаслиги кафолатлари тўғрисида**”ги Тартиб тасдиқланган.

2025 йилда Марказий банк тизими ходимларининг коррупция билан боғлиқ хатти-ҳаракатлари юзасидан **мурожаатлар келиб тушмаган.**

VII. Мониторинг, назорат ва профилактик тадбирлар.

Марказий банк бошқарувининг 2023 йил 24 декабрдаги қарори билан тасдиқланган “Марказий банк тизимида ўтказиладиган ички аудит ва комплаенс-назоратни ташкил этиш режаси”га асосан Марказий банкнинг таркибий бўлинмалари, ҳудудий бош бошқармалари ва тасарруфдаги корхоналарда Марказий банкнинг **коррупцияга қарши курашишга оид ҳужжатларида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан ўрганишлар ўтказилиб келинмоқда.**

Марказий банк марказий аппаратининг Молиявий мониторинг, Валютани тартибга солиш ва тўлов баланси ва Микромолия бозори иштирокчилари фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш департаментларида (**3 та**) ўрганишлар ўтказилган.

Шунингдек, Марказий банкнинг Қорақолпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят ҳудудий бош бошқармалари (**14 та**) ҳамда тасарруфдаги корхоналарда (**4 та**) **мониторинг ва назорат тадбирлари амалга оширилган.**

Ўрганишлар давомида департаментлар, давлат унитар корхоналари ҳамда ҳудудий бош бошқармалар ходимлари томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги ёки содир этилган коррупциявий ҳаракатлар ёки одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилмаслик тўғрисида оммавий ахборот воситаларида маълумотлар, шунингдек вазифа ва функцияларини амалга оширишда жисмоний ва юридик шахслар учун сунъий тўсиқларнинг мавжудлиги ҳамда ўз вақтида қарор қабул қилмаслик ёки асоссиз тезкор тартибда қарор қабул қилиш ҳолатлари кузатилмаган.

Шунингдек, ўрганишлар давомида ходимлар учун коррупцияга қарши курашишга оид қонунчилик ҳамда Марказий банкнинг ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари мазмун-моҳияти ва талаблари юзасидан **ўқув-семинарлар** ташкил этилиб, ходимлар билан **профилактик суҳбатлар, тест синовлар** ҳамда **аноним сўровлар** ўтказилди салбий фикрлар кузатилмаган.

Юқоридаги ўрганиш натижалари бўйича тўпланган ҳужжатлар Марказий банк раҳбариятига киритилди.

VIII. Аниқланган қоидабузарликлар ва уларга таъсир чоралари.

2025 йилда ўтказилган мониторинг ва назорат тадбирларида аниқланган ходимлар фаолиятида йўл қўйилган камчиликлар юзасидан **10 нафар** ходимларга нисбатан интизомий таъсир чоралари қўлланилган.

IX. Хулосалар.

- Марказий банкда Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг тавсияларига асосан ҳамда ISO 37001:2016 коррупцияга қарши курашиш халқаро стандарти талабларидан келиб чиқиб, Марказий банкда коррупцияга қарши курашиш соҳасини тартибга солувчи **13 та** ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тасдиқланган.

*Шу билан бирга, Марказий банк тизимида ходимлар томонидан меҳнат фаолияти билан боғлиқ **совға ва меҳмондўстлик белгиларини қабул қилиш, совға қиймати ва уни тасарруф этиш тартиби** тўғрисидаги Низом тасдиқланган.*

*Марказий банк тасарруфидаги барча корхоналарда номзодларни ишга қабул қилиш бўйича танлов жараёнларини автоматлаштириш орқали инсон омили иштирокини минималлаштириш мақсадида **номзодларни ишга қабул қилиш бўйича ички идоравий ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар** киритилган.*

*Марказий банк Бошқарувининг 2025 йил 18 ноябрдаги 31/8-сонли қарори билан **“Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўтказиладиган текшириш ва ўрганишларда ходимларнинг мажбурий хизмат қоидалари”** тасдиқланган.*

- Марказий банк бошқарувининг 1877-сонли фармойиши билан Коррупцияга қарши курашиш менежмент тизимини жорий қилиш юзасидан 2025 йилнинг декабрь ойи давомида, ички аудит текширувлари ўтказилди ва унинг натижалари раҳбариятга киритилди.

- Марказий банкка юкланган барча функциялар коррупциявий хавф-хатарлари таҳлил қилиниб, коррупциявий хавф-хатар даражаси бўйича тоифаларга ажратилган. Баҳолаш натижалари юзасидан шакллантирилган Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси ҳамда хавф хатарларни камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури ижроси таъминланган.

- “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 июндаги ПҚ-210-сон “Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонуни ижросини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси тасдиқланган ҳамда ижроси таъминланган.

- Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида” Қонуни талаблари асосида Марказий банк бўйича умумлашган Манфаатлар тўқнашуви реестри шакллантирилган ҳамда манфаатлар тўқнашувини олдини олиш бўйича чоралар белгиланган ва назоратга олинган.

- Хўжалик шартномалари ҳамда меҳнат муносабатларини тартибга солувчи шартномаларда коррупцияга қарши қоидаларни назарда тутувчи шартлар киритилган.

- Марказий банк тизимида харидларни амалга оширишда ҳамда тизимга ишга қабул қилинаётган ва юқори лавозимга тайинланаётган номзодларни ички норматив ҳужжатларда белгиланган тартибда ўрганиш ишлари амалга оширилган.

- Марказий банк ходимларининг коррупцияга қарши курашишга оид билим ва кўникмаларини ошириш, коррупциянинг моҳияти, сабаблари, ижтимоий жиҳатдан хавфли ва зарarli оқибатлари тўғрисида умумий тасаввурни шакллантириш мақсадида мунтазам равишда ўқув семинарлари ва профилактик тадбирлар ўтказилиб келинмоқда.

Х. Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада ривожлантириш бўйича 2026 йилда режалаштирилган чора-тадбирлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-270-сонли фармонида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш.

2. 2026 йилги Комплаенс-назоратни ташкил этиш режасига мувофиқ Марказий банкнинг марказий аппарати, ҳудудий бошқармалари ва тасарруфдаги корхоналарда коррупцияга қарши комплаенс-назорат масалалари юзасидан мониторинг ва назорат тадбирларини ўтказиш.

3. “2026 йилда Марказий банк ходимларининг этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил этиш дастури”га мувофиқ тизим ходимлари учун **коррупцияга қарши курашишга оид қонунчилик ва ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳияти ва талаблари юзасидан ўқув-семинар ва тарғибот тадбирларини ўтказиш.**

4. Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш йўналишлари ва индикатор кўрсаткичларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш чоралари кўрилиб, амалга оширилган ишлар борасидаги барча зарур чораклик/ярим йиллик маълумотларнинг “**E-anticor.uz**” электрон платформасига жойлаштирилиб бориш.


5. Марказий банк тизимида фаолият юритувчи ходимларнинг тадбиркорлик субъектларидаги иштироки, уларнинг судланганлиги ҳамда бошқа назорат функцияларини самарали ва мунтазам мониторинг қилиш мақсадида махсус ахборот порталлари билан интеграциялашган **Комплаенс-назорат электрон платформасини жорий қилиш.**

6. Марказий банкнинг коррупцияга қарши курашиш тизимини **“ISO37001:2025 Коррупцияга қарши менеджмент тизими”** халқаро стандарт талабларига мувофиқлиги юзасидан **ташқи аудитдан ўтказиш ва сертификатлаш.**

7. ISO 37002:2021 **"Whistleblowing management systems"** яъни, коррупция ҳақида хабар бериш тизимига **халқаро стандартларни татбиқ қилиш.**

8. Комплаенс-назорат хизмати ходимларини босқичма-босқич халқаро тан олинган (ICA "Anti-Corruption Specialist Certificate", IACA "International anticorruption academy" ва бошқа) ташкилотларда **ўқитиш ва сертификатлаш режалаштирилган.**

Комплаенс-назорат
хизмати бошлиғи



В.Хамракулов